

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ЮКЛАМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Хожиакбар Нуриддинов,

Ўзбекистон халқаро ислом академиси

Мумтоз шарқ филологияси факультети

“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар” кафедраси ўқитувчиси

E-mail: hojiakbar8228@gmail.com

тел: 97 778 65 33

ANALYSIS OF LOADS THAT CAUSE CHANGES IN VERB TENSES

Khojiakbar Nuriddinov,

International Islamic Academy of Uzbekistan Faculty of Oriental Philology Lecturer at the Department of

Arabic Language and Literature Al-Azhar Email: hojiakbar8228@gmail.com tel: 97 778 65 33

Маълумки, юкламалар нафақат исм сўз туркуми эъробига, балки, феъл сўз туркуми эъробига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу юкламалар таъсирида феъллар майлларда ўзгаради.

Барчамизга маълумки, ўзбек тилида хабар (ижро) майли, буйруқ-истак майли, шарт майли каби майллар мавжуд. Майл деганда “ҳаракатнинг воқеликка муносабатини сўзловчи нуқтаи назаридан белгилайдиган грамматик категорияга айтилади.”¹

Бугунги кунда биз ўрганаётган замонавий араб тили дарсликларимизда араб тили грамматикасида мавжуд феъл майиллари ҳақида маълумотлар бериб ўтишган. Жумладан, устоз Неъматуллоҳ Иброҳимов ва Муҳаммад Юсуповларнинг “Араб тили грамматикаси” китобларида феъл майлининг бешта турини келтиришган, аслида араб наҳвида оид манбаларда феъл майли деган атаманинг ўзи мавжуд эмас. Устозларимиз ўзбек тили билан таққослаб, биз талабалар учун ўзбек тили нуқтаи назаридан тушунтирганлар. Юқорида маълумот бериб ўтганимиздек, феълларни майлларда ўзгаришига юкламалар сабаб бўлади ва улар ҳарф сўз туркумининг бир бўлаги ҳисобланади.

Ҳарф сўз туркумининг феъл эъробига таъсир қилувчи омиллари икки қисмга бўлинади. Биринчиси ҳозирги-келаси замон феълини истак майлида туришини талаб қилувчи юкламалар бўлиб, улар қуйидагилардир:

Феълларни истак майлида туришини талаб қилувчи юкламалар тўртта ва улар қуйидагилар:

1. Юкламаси. Бу юклама хоҳиш, истак, имконият, руҳсат, илтимос каби муносабатларни билдирувчи модал сўзлардан кейин ишлатилади. масалан: **أُرِيدُ أَنْ تَقُومَ** - Туришингни хоҳлайман.

2. Билан келган феъл масдар маъносида тушунилади. Юқоридаги мисолни аслида: **أُرِيدُ قِيَامَكَ** шаклида масдар билан бериш мумкин. Шунинг учун **أَنْ** масдарий юклама деб номланади².

وَالثَّانِي: لَنْ، مِثْلُ: «لَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ»، وَهِيَ لِتَأْكِيدِ النَّفْيِ.

3. Бу юклама иш-ҳаракатни келгусида бўлишини қатъий инкор этади. Масалан: **لَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ** - Зайд умуман чиқмайди³.

وَالثَّالِثُ: كَيْ، مِثْلُ: «أَسْلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ».

4. Бу юклама “учун” маъносини ифодалайди, мақсад эргаш гапни бош гапга боғлайди⁴. Масалан: **أَسْلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ** - Жаннатга қириш учун мусулмон бўлдим.

وَالرَّابِعُ: إِذَنْ، مِثْلُ: «إِذَنْ أَكْرَمَكَ» فِي جَوَابِ مَنْ قَالَ: أَنَا أَتَيْكَ غَدًا.

¹ М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили грамматикаси. Т.: 1970. –Б.145.

² Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.41.

³ Ўша асар. –Б. 42.

⁴ Абдужабборов А. Араб тили. –Т.: ТИУ, 2007. –Б. 194.

4. بِدُنْ. Бу аслида боғловчи. Агар у сабаб-окибат муносабатларини ифода этиш учун ишлатиладиган бўлса, у ўзидан кейинги феълни истак майлида туришини талаб қилади. Масалан: اِنَّا اَكْرَمَكَ - أَتَاكَ غَدًا – Кечқурун олдинга келаман, унда сенга иззат-икром кўрсатаман⁵.

وَأَعْلَمُ أَنَّ لَفْظَةَ «أَنَّ» تَنْصِبُ الْفِعْلَ الْمُضَارِعَ مُقَدَّرَةً بَعْدَ سِتَّةِ أَحْرَفٍ:

1 - حَتَّى، مِثْلُ: «مَرَرْتُ حَتَّى أَدْخُلَ الْبَلَدَ».

2 - وَلَمْ الْجَحْدُ، مِثْلُ: «مَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ».

3 - وَأَوَّالِي فِي مَعْنَى إِلَى أَنْ أَوْ إِلَّا أَنْ، مِثْلُ: «لَأَلْزَمَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي».

4 - وَوَأَوَّالِي الصَّرْفِ.

5 - وَلَمْ كَي.

6 - وَالْفَاءُ الَّتِي تَقَعُ فِي جَوَابِ سِتَّةِ أَشْيَاءَ: أَمْرٍ، وَنَهْيٍ، نَفْيٍ، وَاسْتِفْهَامٍ، وَتَمَنٍّ، وَعَرْضٍ، وَأَمَلَتْهَا مَشْهُورَةٌ.

Маълумки, «أَنَّ» юкламаси маъносида куйидаги олтига юкламалар ҳам ишлатилиши мумкин ва албатта улар ҳам ўзидан кейинги феълни истак майлида туришини талаб қилади:

бу юклама “учун” маъносида ишлатилади, масалан:

Шаҳарга кириш учун юрдим. - مَرَرْتُ حَتَّى أَدْخُلَ الْبَلَدَ.

2. – истак юкламаси, “учун” маъносини ифодалайди, масалан:

Аллоҳ уларни азоблаш учун эмас (азоблагувчи эмас). - مَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ.

3. – ЛАЛЗМАННАК АУ ТУГЪТИНИ ХАҚИ, масалан: - لَأَلْزَمَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي. - Ҳаққимни бермагунингча сендан ажралмайман.

4. маъия. Мисол:

لَا تَنْتَهَ عَنْ خُلُقٍ وَتَأْتِي مِثْلُهُ.

Маъноси: Ўзинг уни қила туриб, бировни ундан қайтарма.

5. маъносидаги ل. Мисол:

أَسْلَمْتُ لِأَدْخُلَ الْجَنَّةَ.

Маъноси: Жаннатга кириш учун мусулмон бўлдим.

Олти турдаги жавоблар таркибидаги келувчи “-الفاء-фа”⁶.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик ҳодисалари мавжуд. Бу ҳодисаларни она тили билан қиёслаб ўрганиш маълум даражада уни тушуниш имконини беради. Араб наҳвига оид баъзи асарларда араб тилигагина хос бўлган “жавоблар” мавзуи ёритилиб ўтилганки, уларда “أَنَّ” юкламаси маъносида “фа” ҳам ишлатилиши мумкинлиги айтиб ўтилган. “жавоблар” термини ўзбек тилидаги шарт эргаш гапнинг бош гапига тўғри келиб, агар эргаш гап буйруқ, буйруқ-инкор, инкор, сўроқ, орзу-истак, таклиф каби маъноларини билдириб келса, унинг бош гапи феълига “фа” юкламаси қўшилади ва у “أَنَّ” юкламаси каби феълни истак майлида туришини талаб қилади.

Масалан: رُزِّي فَأَكْرَمَكَ. - Мени зиёрат қилсанг, сени хурмат қиламан.

لَا تَسْتَمْنِي فَأَضْرِبَكَ - Мени ҳақорат қилма, сени ураман

مَا تَأْتِينَا فَتُحَدِّثُنَا - Ҳузуримизга келмадингки, биз билан суҳбатлашсанг.

أَيْنَ بَيْتِكَ فَأَرْوَرَك. - Уйинг қаерда, сени зиёрат қиламан.

لَيْتَ لِي مَالًا فَأَنْفِقَ مِنْهُ - Кошки мол-мулким бўлганида эди, садақа қилар эдим.

أَلَا تَنْزِلُ بِنَا فَتُصِيبُ خَيْرًا - Бизникига тушмайсанми, сенга яхшилик етади⁷.

Маълум бўлдики, араб тилида юқоридаги олтига юклама феълларни истак майлида туришини талаб қилади ва шунинг учун ҳам бу юкламалар “نواصب المضارع” - истак майли юкламалари, деб номланади. Феъл эъробига таъсир қилувчи ҳарфларнинг иккинчиси “الْحُرُوفُ الْجَارِمَةُ لِلْفِعْلِ الْمُضَارِعِ”, яъни “Ҳозирги-келаси замон феълни шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар”дир.

Маълумки, араб тилида шарт майли “حالة الجزم” “жазм ҳолати” деб номланади ва у насб ҳолатида турган феълнинг фатҳа ҳаракатини сукунга ўзгартириш билан ҳосил қилинади. Албатта феълни жазмда туришини талаб қилувчи юкламалар мажуд. Ҳозирги-келаси замон феълни шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар бештадир ва улар куйидагилар:

⁵ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.42.

⁶ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.43.

⁷ Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997. –Б.43.

1. لَمْ юкламаси. Бу юклама иш-ҳаракатни содир бўлмаганини таъкидлайди. Юкламадан кейин турган феъл шарт майлида турсада маъноси ўтган замонни англатади. Масалан: لَمْ يَنْصُرْ - Ёрдам бермади.

2. لَمَّا юкламаси иш-ҳаракатни ҳали содир бўлмаганини, аммо содир бўлиши кутилаётганини англатади. Масалан: لَمَّا يَنْصُرْ - У ҳали ёрдам бермади.

3. لَ буйруқ-истак майлини ҳосил қилувчи “لَ” юкламаси. Маълумки, буйруқ иккинчи шахсга берилади. Учинчи шахсга тўғридан тўғри буйруқ бериб бўлмаслиги учун, у бирор кимса орқали етказилади ва энди у буйруқ-истак майлига ўзгаради. Араб тилида бу майл “لَ” юкламаси ёрдамида ифодаланади, масалан: لِيَنْصُرْ - У ёрдам берсин.

4. لَا юкламаси. Буйруқ майлининг бўлишсиз формасини ҳосил қилувчи “لَا” юкламаси ҳам феълни жазм ҳолатида туришини талаб қилади, масалан: لَا تَنْصُرْ - Ёрдам берма.

5. إِنْ юкламаси, масалан: إِنْ تَنْصُرْ أَنْصُرْ - Агар ёрдам берсанг, ёрдам бераман⁸.

إِعْلَمْ أَنَّ لَفْظَةَ إِنْ تَدْخُلُ عَلَى الْجُمْلَتَيْنِ، مِثْلُ: «إِنْ تَضْرِبُ أَضْرِبُ»؛ الْجُمْلَةُ الْأُولَى شَرْطٌ، وَالثَّانِيَةُ جَزَاءٌ وَهِيَ لِلْإِسْتِقْبَالِ. وَإِنْ دَخَلَتْ عَلَى الْمَاضِي، نَحْوُ: «إِنْ ضَرَبْتَ ضَرَبْتُ»، وَهَهُنَا الْجَزْمُ تَقْدِيرِيٌّ، لِأَنَّ الْمَاضِي لَيْسَ بِمُعْرَبٍ.

Маълумки إِنْ юкламаси шарт эргаш гапли қўшма гап таркибида келади ҳамда бош ва эргаш гапнинг феъллини шарт майлида туришини талаб қилади. Масалан:

إِنْ تَضْرِبُ أَضْرِبُ - Агар урсанг, мен ҳам ураман.

Кўриб турганимиздек, аввал эргаш гап, сўнгра бош гап туради ва ҳар икки гапнинг феъли келаси замонга тегишли бўлиши мумкин.

Шунингдек, “إِنْ” юкламасидан кейин келаётган эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ўтган замонда туриши ҳам мумкин. Лекин бу гапдан англашилган шарт маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади. Масалан: إِنْ ضَرَبْتَ ضَرَبْتُ - Урсанг, ураман⁹.

Агар, шарт эргаш гапдан кейин келган бош гап исмий жумла, буйруқ ёки буйруқ-инкор, дуо, бўлишсиз (“لَنْ” юкламалари билан ифодаланган) гап, ўзгармас сўз ёки “قَدْ”, “سَوْفَ” юкламалари билан бошланган бўлса, унга “فَ” боғловчи-юкламаси қўшилади. Масалан: إِنْ تَأْتِي فَأَنْتَ مُكْرَمٌ - Агар ҳузуримга келсанг, сен азиздирсан.

إِنْ رَأَيْتَ زَيْدًا فَأَكْرَمُهُ - Зайдни кўрсанг, уни ҳурмат қилгин!

إِنْ أَتَاكَ عَمْرُو فَلَا تُهِنُهُ - Амр ҳузурингга келса, уни ҳўрламагин

إِنْ أَكْرَمْتَنِي فَجَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا - Мени ҳурмат қилсанг, Аллоҳ сени яхшилиқ билан жазоласин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, араб тилида феълдан олдин келиб, уни шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар мавжуд. Бу юкламаларнинг баъзилари феълни жазмда туришини талаб қилсада, феълдан англашилган маъно ўтган замонга ишора қилади. إِنْ юкламасидан кейин келаётган феъл эса, шарт майлида ҳам, ўтган замон шаклида ҳам туриши мумкин, аммо шартлилик маъноси сақланиб қолади.

⁸ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 290.

⁹ الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993. ص. 290.

Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. -307 б.

Абдурахмонов Х., Рафиев А., Шодмонкулов Д. Ўзбек тилининг амалий

Дўстмуҳаммад Насриддин Бодарий. Мукамал сарф дарслиги. –Тошкент: Мовароунаҳр, 2004. -207б.

Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – 584 б.

Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. II Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – 563 б.

Носирова М. А. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. –Т.: ТДШИ, 2005. -186б.

Носирова М. А. Махмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-нахв” рисоласи. –Тошкент: ТДШИ, 2005. -186 б.

Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно - историческом освещении. -М.: “Восточная литература” РАН, 1998. – 592 с.

أبو بكر محمد بن حسن الزبيدي الأندلسي. طبقات النحويين واللغويين. دار المعارف. مصر. القاهرة – 1392هـ-1973م. الصفحة 280
الإمام أبي محمد جمال الدين ابن يوسف ابن أحمد ابن عبد الله ابن هشام الأنصاري المصري. مغني اللبيب عن كتب الأعاريب. دار الطلائع
للنشر والتوزيع والتصدير. القاهرة-2005. الصفحة 414